**QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI**
**XALQ TA'LIMI**
**VAZIRLIGI**

230100, Nukus shahri, Dosnazarov ko'chasi, 62-uy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

**QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ**
**XALÍQ BILIMLENDIRIW**
**MINISTRLIGI**

230100, Nókis qalasi, Dosnazarov kóshesi 62-úy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

«28» июля 2021-у. №02-01/05-3463«_____»-__________ 2021-j.

**Барлық район (қала)лық халық билимлендириў бөлими ҳәм Республикалық билимлендириў мәкемелери басшыларына**

Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендириў министрлиги Сизге, Қарақалпақстан Республикасы Министрлер Кеңесиниң I-ярым жыллық ис-режесине тийкар Беруний районлық ҳәкимлиги ҳәм Кадастр агентлиги Қарақалпақстан Республикасы басқармасында Өзбекстан Республикасы Нызамлары, Президент пәрманлары, қарарлары ҳәм бийиликлери ҳәмде Ҳүкимет тапсырмаларының орынланыўы, атқарыў тәртиби ҳәм ис-жүритиў жағдайларын мақсетли үйрениў жуўмақлары бойынша 2021-жыл 1-июльдағы 37-санлы президиум мәжилиси баянламасын басшылыққа алыў ҳәм орынланыў ушын жиберилмекте.

Алдағы ўақытларда бундай кәте-кемшиликлерге жол қоймаў ҳәм министрлик тәрепинен келип түскен ҳүжжетлердиң өз ўақтында орынланыўына айрықша итибар қаратыўыңызды сорайман.

қосымша 10 бетте.

**Министрдиң биринши орынбасары ў.ў.а** **Қ. Бекбаулиев**

таярлаған:И.Айтназаров
тел: 61 222-52-25

Xalq ta'limi tizimiga oid barcha yangiliklardan quyidagi havolalar orqali xabardor bo'lishingiz mumkin

www.uzedu.uz t.me/uzedu facebook.com/uzedu instagram.com/uzedu.uz

М.Е

| ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИ РАЁСАТИ МАЖЛИСИ | ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ МИНИСТРЛ КЕҢЕСИ ПРЕЗИДИУМ МӘЖИЛИСИ |
|---|---|
| **Б А Ё Н И** | **Б А Я Н Ы** |

2021 йил "1" июль № 37 Нукус шаҳри

**Раислик қилди:** **Қ.Сариев** - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси

**Қатнашдилар:** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосарлари, Беруний тумани ҳокимлиги ва Кадастр агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасида масъул ходимлари (*рўйхат бўйича*)

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2021 йилнинг I ярим йиллик иш-режасига асосан Беруний туман ҳокимлиги ва Кадастр агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасида Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ҳамда Ҳукумат топшириқларининг бажарилиши юзасидан ижро интизоми ва иш юритиш ҳолатини мақсадли ўрганиш якунлари тўғрисида**

---

*(Сариев, Ерлепесов, Аташов, Хабибуллаев, Хожаметов, Жуманов, Дурдиев, Турманов, Сариев)*

QR XALÍQ BILIMLENDIRIW MINISTRLIGI
KIRIS № 456
"26" июнь 2021 JÍL

Йиғилишда Вазирлар Кенгашининг Умумий бўлими бошлиғи Нураддиновнинг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2021 йилнинг I ярим йиллик иш режасига асосан Беруний туман ҳокимлиги ва Кадастр агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасида иш юритиш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари борасида олиб борилган ишларини ўрганиш натижалари тўғрисидаги маълумотлари тингланди.

2021 йилнинг 24 июнь санасида Қорақалпоғистон Республикаси **Беруний туман ҳокимлигида** Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ҳамда Ҳукумат қарорлари ва топшириқларининг ижроси юзасидан ўз буйруқларини қабул қилиш, уларни қуйи ижрочиларга етказиш, шунингдек, иш юритиш фаолиятини ва ҳужжатлар ижросини назорат қилишни ташкил этиш борасида олиб борилган ишлар ҳолати ўрганилган.

Беруний туман ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 августдаги "Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва хўжалик бирлашмаларида Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ва Ҳукумат қарорларининг ижросини таъминлаш тартиби"га асосан ҳужжатларни рўйхатга олиш, уларнинг ижросини назоратга олиш ва назоратдан чиқариш ишлари амалга оширилган.

Ҳокимлик томонидан юқори турувчи ташкилотлардан юборилаётган ва фуқаролардан келган ёзма ариза ва мурожаатларнинг ижросини ўз вақтида таъминлаш мақсадида ишлар ташкил этилган.

Ўрганиш давригача Беруний туман ҳокимлигига корхона ва ташкилотларидан келиб тушган хатлар жами 792 та, шундан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгашидан 1671 та, вазирлик ва ташкилотлардан 468 та ҳужжатлар ҳамда жисмоний ва юридик шахслардан 120 та мурожаатни ташкил этади.

Келиб тушган ҳужжатларни рўйхатга олиш дафтарлари белгиланган тартибда юритилган. Дафтарлар рақамланган (саҳифаланган), боғланган ва раҳбар томонидан муҳрланиб тасдиқланган. Ҳокимликда ҳужжатлар айланиши "Е-хат" ҳимояланган электрон почтаси орқали амалга оширилган.

Ҳокимликда Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 6 декабрдаги 17-1-1-сонли "Хизмат доирасида фойдаланиш учун" устхатли ҳужжатларни рўйхатга олиш, ишлаш ва ижро этиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномаси асосида "Хизмат доирасида фойдаланиш учун" устхатли ҳужжатлар билан иш юритиш ва сақлаш йўлга қўйилган.

"ХДФУ" устхатли ҳужжатлар учун алоҳида рўйхатга олиш дафтари юритилган, ушбу ҳужжатларнинг асл нусхалари сейфда жойлаштирилган. Ҳокимликда Иш юритиш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш масалалари вазирлик томонидан иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш Йўриқнома"си ишлаб чиқилган.

Ҳокимлик штатлар жадвалида девонхона мудири штати жорий қилинган. Ҳокимликда иш юритиш ва ҳужжатлар ижроси назоратини таъминлаш вазифаси туман ҳокимининг 2020 йил 30 декабрь куни 1138-сонли қарори билан туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ф.Примов зиммасига юклатилган. Ҳокимликда иш юритиш, ижро интизомини таъминлаш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилишига қарамасдан айрим хато камчиликларга йўл қўйиш ҳолатлари мавжуд.

**I. Юқори турувчи ташкилотлардан келиб тушган топшириқ хатларнинг ижроси бўйича:**

Хусусан,

Ҳокимликда топшириқлар ижросини ташкил этишда ҳужжатлар ижроси бўйича мониторинг ташкилий назорат гуруҳи томонидан шакллантирилган, лекин айрим хат ва ҳужжатларнинг **ижро муддатларининг бузилиши ҳолатларига йўл**

**қўйилган.** Юқори турувчи ташкилотлардан келиб тушган топшириқларда кўрсатилган аниқ вазифалар ижродан четда қолиб кетган.

**Ҳокимликда ижро назорат тизимли юритилмаганлиги ва ходимлар ўз хизмат вазифаларини тўлиқ тушиниб етмаганлиги боис Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги "Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 12-сонли қарор талабларининг қўпол равишда бузилишига йўл қўйилган. Топшириқ хатларнинг аксарият ҳолатларда ижроси таъминланмаган.**

Хусусан:

Ўзбекистон Республикаси Давлат активлари бошқармаси агентлиги ҳузуридаги бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Қорақалпоғистон Республикаси Ҳудудий бошқармасининг 2021 йил 2 июндаги "Бўш турган объектлардан самарали фойдаланиш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан маълумот тақдим этиш тўғрисида"ги 689/01-03-сонли топшириқ хатида ҳафталик маълумот тақдим этиш топширилган, лекин топшириқ ижроси бўйича маълумотлар 9 кун муддати билан кечиктириб тақдим қилинган (***масъул ҳоким ўринбосари У.Усманов***);

Ўзбекистон Республикаси Президенти Админстрацияси ҳузуридаги ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг 2021 йил 21 июндаги 18-2623-сонли хати ижроси бўйича маълумотлар мавжуд эмас (***масъул ҳоким ахборот хизмати А.Уразова***);

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2021 йил 19 июндаги №5/2182-сонли топшириқ хати ижроси 2 кун муддатга кечиктириб маълумот тақдим қилинган (***масъул ҳоким ўринбосари Д.Каипов***);

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2021 йил 9 февралдаги "Темир дафтарига" киритилган ёрдамга муҳтож оилалар тўғрисида"ги 01-07/9-02/39-сонли топшириқ хатида **3 кун** ичида маълумот тақдим этиш топширилишига қарамасдан, ушбу топшириқ ижроси ўрганиш давригача таъминланмаган (***масъул ҳоким биринчи ўринбосари Ф.Примов***);

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2021 йил 21 июндаги Ўзбекистонда шахматни жадал ривожлантириш бўйича республика кенгашининг 2021 йил 17 июндаги 48-сонли мажлис баёни ижросини таъминлаш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг чора-тадбирлар режаси тўғрисидаги 13-12/19-06/200-сонли топшириқ хати раҳбарлик ва ижро учун қабул қилиниб ўрганиш давригача топшириқ ижроси таъминланмасдан ижродан четда қолиб кетган (***масъул ҳокимлик бош мутахассиси Х.Матякубов***);

Вояга етмаганлар ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси идоралараро комиссияси раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг 2021 йил 04 июндаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Админстрациясининг 2021 йил 29 майдаги №02-РА 1/1-882-сонли хатидаги топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудлардаги оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш ҳамда соҳада иш самарадорлигини оширишга қаратилган чора тадбирлар дастури тўғрисидаги 01-09/15-06/674-сонли топшириқ хати раҳбарлик ва ижро учун қабул қилиниб ўрганиш давригача топшириқ ижроси таъминланмасдан ижродан четда қолиб кетган (***масъул ҳоким ўринбосари М.Курбанбаева***).

Ўрганиш жарёнида шунга ўхшаш ҳолатлар кўплаб кузатилди.

**Ҳокимликда ижро интизомини мустаҳкамлаш борасида маълум ташкилий ва амалий ишлар йўлга қўйилмаган.**

Ҳоким ўринбосарлари томонидан ўз соҳасига оид ижросини таъминлаш лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши қарорларининг ижросини таъминлашда масъулиятсизликка йўл қўйилиб келинмоқда.

Ҳоким ўринбосарлари томонидан ҳокимликка кирим қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат қарорларининг ижросини таъминлаш юзасидан ҳамда назорат қилиб бориш мақсадида алоҳида йиғмажилдлар тўлиқ ишлаб чиқилмаган, тегишли маълумотлар жилдларга қўшилмаган. Натижада ижрони назорат қилиш имкони йўқ бўлиб қолмоқда.

Ҳокимликда тумандаги корхоналар, ташкилотлар ва идораларнинг ижро интизомига масъул ходимларига Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва ҳукумат қарорларини тушунтириш бўйича ўқув семинарлари ўтказилмаган.

Ҳокимликда Ҳукумат қарорларининг ижросини назорат қилиш юзасидан Назорат карточкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 28 августдаги 11-10-сонли топшириғи талаблари бўйича юритилган. Ўрганиш жараёнида Беруний туман ҳокимлигида йўл қўйилаётган камчиликларни жойида бартараф этиш юзасидан тегишли амалий ёрдам ва зарур кўрсатмалар берилди.

**II. Ҳокимликда ҳужжатларнинг муҳимлилик даражасини аниқлаш ва архив ишини юритилишини ўрганиш бўйича:**

Қарорнинг 68-бандида «Ҳужжатларнинг муҳимлилик қийматини экспертиза қилишни ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек, идорага қарашли ташкилотларнинг эксперт хизмати фаолиятини назорат қилиш учун ташкилотларда доимий фаолият кўрсатувчи марказий эксперт комиссиялари (МЭК) ташкил этилади» деб кўрсатилган. Ҳокимликда марказий эксперт комиссияси ҳақидаги Низом, идоравий архив ҳақидаги Низом тасдиқланган. Идоравий архив хонаси мавжуд.

**III. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқилишининг қонунийлигини ўрганиш бўйича:**

Ҳокимликга жисмоний ва юридик шахслардан жами 587 та мурожаат қабул қилинган.

Туман ҳокими ва унинг ўринбосарларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини шахсий қабул қилиш графиги тасдиқланган бўлиб, график ҳокимлик иморатига кирар жойда стенд шаклида кўрсатилиб қўйилган.

Ҳокимликда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш учун махсус хона ажратилган.

Туман ҳокимлигида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ишларнинг аҳволини ўрганиш жараёнида, айрим камчиликлар ва муаммоларнинг мавжудлиги аниқланди. Ҳокимликда келиб тушган мурожаатларни Қонунчиликда белгиланган муддатларда кўриб чиқилишига эътибор қаратилмаган. Мурожаатлар ижросини ташкил этишда тизимли назорат йўлга қўйилмаганлиги натижасида айрим мурожаатларнинг ижро муддатларининг бузилиши ҳолатларига йўл қўйилган.

Масалан, Беруний тумани “Саркоп” овул фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Г.Хожаниязованинг 2021 йил 29 январь куни турмуш ўртоғи Н.Реймов касаллиги сабабли моддий ёрдам сўраган мурожаатидаги холатлар ўрганилмасдан ёки мурожаатни қонунда белгиланган муддатда тегишлилиги бўйича юбориш чоралари кўрилмасдан, **орадан 17 кун ўтгандан кейин** 2021 йил 15 февраль куни моддий ёрдам тайинлаш ёки уни рад этиш масаласи доимий яшаш жойи бўйича фуқаролар йиғини ижтимоий қўллаб қувватлаш комиссияси томонидан амалга оширилиши тўғрисида мурожаат муаллифига жавоб хати берилган.

Шу каби, тинчлик овул фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Ф.Ражаповнинг 2021 йил 29 январ кунги юраги касаллиги сабабли моддий ёрдам сўраган мурожаати ҳам ўрганилмасдан, 2021 йил 15 феврал куни моддий ёрдам тайинлаш ёки уни рад этиш масаласи доимий яшаш жойи бўйича фуқаролар йиғини ижтимоий қўллаб қувватлаш комиссияси томонидан амалга оширилиши тўғрисида мурожаат муаллифига жавоб хати берилган.

Шунингдек ушбу ҳолатларда Қонуннинг 28-моддасида белгиланган ариза ёки шикоят масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиш ва ёки текшириш, қўшимча хужжатларни сўраб олиш талаб этиганда эса, бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади деган талаби бузилган. Яъни юқоридаги мурожаатлар юзасидан ижрочилар томонидан хеч қандай қўшимча ўрганиш ёки текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилмаган бўлса ҳам асосиз равишда ўн беш кундан ортиқ муддатда кўриб чиқилган.

Фуқаро Н.Рейимбаеванинг “Ёшлар келажагимиз давлат дастурига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ер майдони ажратиш хақида 2021 йил 25 январдаги аризасида ушбу масала юзасидан туман хокимлиги ҳузуридаги ишчи гуруҳга бизнес режасини тақдим қилиши кераклиги ҳақида тушунтириш бериш билан чекланиб фуқарога берилган жавобдан норози бўлган тақдирда шикоят бериш тартиби тушунтирилмаган.

Шунингдек, Беруний тумани Ирригация бўлимининг 2021 йил 26 майдаги билдирги хатига 12 кундан кейин тегишлилиги бўйича туман қишлоқ хўжалиги бўлимига мурожаат қилиши билдирилиши билан чекланган, **натижада мурожаатнинг ижро муддати 5 кунга бузилган (масъул ҳоким ўринбосари С.Урунбаев).**

**Кадастр агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бўйича.**

Кадастр агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасида ижро интизомини мустаҳкамлаш, иш юритиш ҳолатини ўрганиш давомида қуйидагилар аниқланди:

**<u>I. Бошқармадада иш юритиш ва ижро интизомини таъминлаш юзасидан.</u>**

Бошқармада жорий йилнинг **6 ойи давомида жами 1003 та ҳужжат** шундан Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва топшириқлари 35 та, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириқ хатлари 58 та, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлиги топшириқ хатлари 651 та, вазирлик идора ва шаҳар ва туман ҳокимликларидан 270 та ҳужжат учун кирим қилинган. Шундан 220 та ҳужжат маълумот учун, 783 та ҳужжат ижро учун қабул қилинган, ижро учун қабул қилинган қарорлар ва фармойишлар ижросини таъминлаш мақсадида бошқарма 28 та ўз буйруғини қабул қилган. Бошқармадаги масъул ходимларнинг функционал вазифалари тақсимоти ишлаб чиқилиб Бошқарма бошлиғи томонидан 2021 йил 17 март санасида тасдиқланган. Бошқарманинг Иш юритиш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича Йўриқномаси тасдиқланган. 2021 йилнинг биринчи ярим йиллик иш режаси 2021 йил 1 апрель санасида тасдиқланган ва иш режа бандларининг ижроси тўлиқ таъминланган.

Ижро интизомини ташкил этиш ва ижро интизомини назоратини юритиш Ташкилий-назорат ва муражаатлар билан ишлаш шўъбаси бошлиғи М.Узақбаевга юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 28 августдаги 11-10-сон топшириғи асосида Бошқармада ижро интизоми бўйича ҳар чоракда ҳисоботлар (1 ва 2-жадваллар асосида) ва маълумотномалар тайёрланиб уларни умумлаштириб раҳбар ҳузурида муҳокама этилиб мунтазам равишда тасдиқланган ҳолда Вазирлар Кенгашига тақдим этиб борилган.

Бошқарманинг чораклик ҳисоботлари топшириқ талабларига мувофиқ тайёрланган.

Бошқармада Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 6 декабрдаги 17-1-1-сонли "Хизмат доирасида фойдаланиш учун" устхатли ҳужжатларни рўйхатга олиш, ишлаш ва ижро этиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномаси асосида "Хизмат доирасида фойдаланиш учун" устхатли ҳужжатлар билан иш юритиш ва сақлаш йўлга қўйилган бўлиб "ХДФУ" устхатли ҳужжатлар учун алоҳида рўйхатга олиш дафтари юритилган, ушбу ҳужжатларнинг асл нусхалари сейфда жойлаштирилган.

Бошқармада Ҳукумат қарорларининг ижросини назорат қилиш юзасидан **<u>Назорат карточкалари нотўғри юритилиб келинаётганлиги аниқланди.</u>**

**II. <u>Архив ишини ташкил этиш бўйича:</u>**

Архив ишларини юритиш бўйича Бошқарманинг ташкилий-назорат ва муражаатлар билан ишлаш шўъбаси бош мутахассиси К.Есбергеновга юклатилган.

Бошқарманинг 2021 йил 1 январь санасида иш номенклатураси тасдиқланган, лекин Бошқарманинг марказий эксперт комиссияси ҳақидаги Низоми, идоравий архив ҳақидаги Низоми тасдиқланмаган. Бошқармада архив хонаси мавжуд бўлиб ҳужжатлар Бошқарманинг архив хонасида сақланмоқда.

Келгусида Бошқарма аппаратида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасида архив ишини такомиллаштириш тўғрисидаги" ги ПФ-5834--сонли Фармонини бажариш юзасидан муайян ишларни амалга ошириш ва янада такомиллаштириш талаб этилади.

**<u>III. "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг ижроси юзасидан.</u>**

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Умумий бўлимининг 2021 йил 1-ярим йиллик иш-режасига асосан жорий йилнинг 30 июнь куни Кадастр агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган қоида ва талаблар ижросини таъминлаш юзасидан ўрганишлар ўтказилди ва уларга амалий ёрдамлар берилди.

Келиб тушган мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш учун юбориш, шунингдек мурожаатларнинг ҳисобини юритиш ва кўриб чиқилишини назорат қилиш Ташкилий-назорат ва муражаатлар билан ишлаш шўъбаси бошлиғига юклатилган.

Амалга оширилган ўрганишлар ҳамда тақдим этилган маълумотлар таҳлили Кадастр агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасининг масъул ходимлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ижросини ташкил этишда камчиликларга йўл қўйилаётганлиги аниқланди.

Ўрганиш натижалари шунингдек, Кадастр агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасининг мурожаатларни кўриб чиқувчи масъул ходимларнинг ҳуқуқ, бурч ва вазифалари ҳамда мурожаатлар бўйича қонун ҳужжатларига амал қилишга оид бошқа масалалар юзасидан амалий ёрдамлар ва раҳбарий тушунтиришлар беришни талаб қилувчи ҳолатлар мавжудлигини кўрсатди.

Кадастр агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси 2021 йилнинг I ярим йиллик чорагида жисмоний ва юридик шахслардан тушган мурожаатларни умумлаштириб, таҳлилий маълумотларни ҳисобини юритиш методикасига амал қилиниб ҳисоботлар тақдим қилинган.

Бошқармада раҳбарлар ва масъул ходимлар томонидан жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари билан мулоқотни амалга ошириш мақсадида "Фуқаролар қабулхоналари" ташкил этилган ва қабул жадвали тузилган.

Бошқарманинг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида Низом қабул қилинган.

Ҳужжатлар ижросини назорат қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича ярим йиллик иш режаси тасдиқланган.

Таҳлил натижасига кўра, 2021 йилнинг январь-июнь ойлари давомида жисмоний ва юридик шахслардан бевосита Бошқармага Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасидан 212 та ва жисмоний шахслардан 35 та мурожаат 3 та оғзаки мурожаат 1 та мурожаат ишонч телефони орқали келиб тушган бўлиб **жами 253 та** ёзма, мурожаатлар келиб тушган.

Ҳисобот даврида Бошқармада **190 та** мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича аксарият қисми <u>тушунтириш мазмунида 3-10 кун ичида жавоб хатлари юборилган</u>.

Тақдим этилган маълумотларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасидан келиб тушган мурожаатларни рўйхатга олиш журналига Ўзбекистон Республикаси Халқ қабулхоналаридан келиб тушган электрон мурожаатлар билан биргаликда рўйхатга олинган.

Бошқарманинг масъул ходимлари томонидан "ишонч телефони" орқали оғзаки мурожаатларни қабул қилиш йўлга қўйилган.

Кадастр агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасининг раҳбарлари ва мурожаатлар билан ишлашга масъул бўлган ходимларига мурожаат билан келган фуқароларни **"аризачи"** ёки **"шикоятчи"** сифатида эмас, аксинча уларни ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалга оширишда амалий ёрдам сўраб келган **инсонлар** сифатида кўриб, улар билан очиқ мулоқотда бўлиш зарурлиги тушунтирилди.

Ўтказилган ўрганишда Вазирликнинг маъсул ходимларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартибига амал қилиниши аҳволи тўғрисидаги маълумотномани танқидий кўриб чиқиш, қонун бузилишига йўл қўйган раҳбарлар ва масъул шахсларга нисбатан қатъий чоралар кўриш, мурожаатлар билан ишлаш тизимини тубдан яхшилаш ҳамда раҳбарларнинг роли ва масъулиятини ошириш бўйича тавсиялар ва кўрсатмалар берилди.

Маълумотномада кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш, келгусида йўл қўйилишини олдини олиш, мурожаатлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, тушган мурожаатларни умумлаштириш ҳамда статистик ҳисобини юритиш мақсадида:

Кадастр агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасида мурожаатлар тўғрисида қабул қилинган қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиб тўлиқ рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга олиш ва уларнинг бажарилишини тизимли назорат қилиш;

мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган қоида ва талабларни бажарилиши натижадорлиги учун раҳбарлар ва ходимларининг шахсий жавобгарлиги даражасини ошириш;

мурожаатларни кўриб чиқишда аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш тавсия этилади.

Ўрганиш даврида юқорида қайд этилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан ишчи гуруҳ томонидан батафсил тушунтириш ишлари олиб борилиб, ижро интизом тизимини такомиллаштириш бўйича зарурий кўрсатмалар берилган.

Кун тартибидаги масала юзасидан билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда ҳамда режа асосида ишларни ташкил этиш ва белгиланган вазифаларнинг тўлиқ ва сифатли ижросини таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини сўзсиз таъминлаш, вазирлик, қўмита ва идоралар ҳамда шаҳар ва туманлар ҳокимликларининг масъулиятини янада ошириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раёсати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Умумий бўлими бошлиғи М.Нураддиновнинг Беруний туман ҳокимлиги ва Кадастр агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 12-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуни талабларининг ижроси тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

**2.** Беруний туман ҳокимлиги (А.Сапарбаев, Кадастр агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси (И.Тлеўов) томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорлари, ҳужжатлари ҳамда топшириқларининг бажарилишини ташкил қилиш, ҳужжатлар билан ишлаш, ижро интизомини назорат қилиш, топшириқлар ижросини таъминлашда юзага келган муаммоли масалаларни ҳал этиш юзасидан ўз вақтида зарур чоралар кўрмаганлиги, ижро интизомини назорат қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлари **қониқарсиз эканлиги кўрсатиб ўтилсин .**

3. Беруний туман ҳокимлиги (А.Сапарбаев), Кадастр агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси (И.Тлеўов):

**уч кун муддатда** жорий йилнинг ижро интизомини мустаҳкамлаш, мурожаатлар билан ишлашнинг аҳволини кўрсатиб ўтилган камчиликларни инобатга олган ҳолда муҳокама қилсинлар ҳамда **масъул шахслар фаолиятига баҳо берган йиғилиш баёнларини Вазирлар Кенгашига тақдим этсинлар;**

иш юритиш ва назорат ишини ташкил этиш бўйича Йўриқномаларни хатловдан ўтказиш, уларнинг натижаси бўйича қайта ишлаб чиқиш, масъул ходимларнинг функционал вазифаларини аниқ қилиб тасдиқлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратсинлар;

электрон хужжат айланиш тизимини жорий этишга, унда энг аввало назорат мониторингини таъминловчи функционал қисмини жорий этиш, мазкур тизимни белгиланган тартиб талабларига мослаштириш бўйича аниқ ташкилий чора-тадбирлар ишлаб чиқсинлар;

Вазирлар Маҳкамасининг 28 августдаги 11-10-сонли ҳамда 19 августдаги 13-5-4-сонли топшириғида белгиланган вазифалар асосида 1 ва 2-жадваллар асосида ойлик ҳисоботларни тизимли равишда қабул қилиш, танқидий муҳокама қилиш ҳамда уларнинг натижалари бўйича қуйи тизим бўлинмаларига тегишли кўрсатмалар ва тавсиялар юборилишини ташкил этсинлар;

**ўн кун муддатда** мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича тадбирларнинг аниқ режаларини ишлаб чиқсинлар ва уларнинг бажарилиши юзасидан Вазирлар Кенгашига ахборот берсинлар.

**4.** Ушбу раёсат мажлиси баёни вазирлик, идораларга, шаҳар ва туман ҳокимликларига зарур чоралар кўриш учун юборилсин.

**5.** Мазкур баённинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосарлари ва Ишлар бошқарувчиси зиммасига юклансин.

**Қорақалпоғистон Республикаси**
**Вазирлар Кенгашининг Раиси** **Қ. Сариев**